

МАҲАЛЛАЛАРНИ КРИМИНОГЕН ВАЗИЯТДАН КЕЛИБ ЧИҚҚАН ҲОЛДА ТОИФАЛАШ ВА ПРОФИЛАКТИК ТАДБИРЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТИЗИМИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ВА ВИКТИМОЛОГИК ТАҲЛИЛИ

Кудияров Шарапат Салиевич
Ўзбекистон Республикаси ИИВ
Академияси мустақил изланувчиси

Сўнгги йилларда амалга оширилаётган ислохотлар маҳалла институтини мамлакатимизда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини самарали ташкил этишда муҳим ижтимоий ва ҳуқуқий механизмга айлантирмоқда. Ушбу институт нафақат аҳоли хавфсизлигини таъминлашда, балки жиноятчиликнинг ижтимоий илдизларини аниқлаш, уларни бартараф этиш ва виктимологик профилактика чораларини амалга оширишда ҳам ўзига хос долзарб аҳамият касб этмоқда. Маҳалла фуқаролар йиғинлари орқали жамоатчилик назоратини кучайтириш, ҳуқуқбузарликларни содир этилишини тақазо этувчи дастлабки омилларни барвақт аниқлаш ҳамда ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил шахслар билан индивидуал профилактика механизмларини амалга ошириш имкони яратилмоқда. Шу жиҳатдан, маҳалла институтининг фаолияти давлатнинг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси сиёсатида муҳим стратегик аҳамиятга эга.

Мазкур соҳадаги тизимли ва мақсадли профилактик чора-тадбирларнинг янгича механизмлари ҳуқуқий жиҳатдан ҳам мустаҳкамланган. Жумладан, 2025 йил август ойида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Бош прокуратура, Давлат хавфсизлик хизмати, Давлат божхона қўмитаси, Миллий гвардия ҳамда Олий суднинг қўшма қарори билан тасдиқланган “Маҳаллаларни криминоген вазиятдан келиб чиққан ҳолда тоифалаш ва профилактик тадбирларни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома”³ мазкур институтнинг ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишдаги вазифаларини ҳуқуқий жиҳатдан аниқ белгилаб берди десак муболаға бўлмайди. Ушбу ҳужжат маҳаллаларда криминоген вазиятни таҳлил қилиш, уларни хавф даражасига кўра тоифалаш ҳамда тегишли профилактик тадбирларнинг мазмун ва йўналишини белгилаш бўйича ягона методологик асосни шакллантиришга хизмат қилмоқда.

³“Маҳаллаларни криминоген вазиятдан келиб чиққан ҳолда тоифалаш ва профилактик тадбирларни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома” – 2021 йил 15 ноябрдаги ИИВ, Бош прокуратура, ДХХ, ДБК, Миллий гвардия ва Олий суднинг қўшма қарори.

Қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ, маҳалла фуқаролар йиғинлари, ички ишлар органлари профилактика инспекторлари ва бошқа идоралар ўртасида ўзаро ҳамкорлик механизмлари такомиллаштирилиб, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини жойларда самарали амалга оширилмоқда. Бу эса маҳалланинг профилактика тизимидаги ролини янада кучайтириб, уни жиноятчиликка қарши курашнинг ижтимоий асосларидан бирига айлантирмоқда.

Маҳаллалардаги криминоген вазиятни тизимли равишда баҳолаш ва унинг асосида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини манзилли, яъни аниқ ҳудуд, аҳоли қатлами ва хавф даражасига йўналтирилган ҳолда ташкил этиш долзарб аҳамият касб этмоқда⁴. Ушбу тартиб маҳаллий даражада жиноятчиликнинг ҳолати ва динамикасини доимий мониторинг қилиш орқали профилактик фаолиятнинг самарадорлигини оширишга қаратилган илғор бошқарув механизми ҳисобланади. Мезонларга кўра, ҳар бир маҳаллада жиноятчилик ҳолати ҳар ойда содир этилган жиноятларнинг оғирлик даражаси ва ижтимоий хавфига қараб баҳоланилади.

Бунда жиноят турларининг ижтимоий хавф даражасига нисбатан куйидаги балл тизими қўлланилади: а) ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар учун 5 балл; б) унча оғир бўлмаган жиноятлар учун 10 балл; в) оғир жиноятлар учун 15 балл; г) ўта оғир жиноятлар учун 20 балл белгиланган. Ҳар ой якунида тўшланган ушбу маълумотлар асосида маҳаллалардаги жиноий вазият умумий интеграл кўрсаткичлар орқали баҳоланади ва улар “яшил”, “сарик” ҳамда “қизил” тоифаларга ажратилади.

“Яшил” тоифадаги маҳаллаларда криминоген вазият барқарор деб баҳоланиб, бу ҳудудларда асосан профилактиканинг умумий ва ижтимоий йўналтирилган чоралари амалга оширилади. “Сарик” тоифадаги маҳаллаларда хавф даражаси ўрта ҳисобланиб, уларда ҳуқуқбузарликларнинг айрим турлари бўйича индивидуал ва гуруҳ профилактикаси чоралари кучайтирилади. “Қизил” тоифага киритилган маҳаллалар эса криминоген вазияти мураккаб ва хавфли ҳудудлар сифатида белгиланиб, бу ерларда махсус комплекс чора-тадбирлар, жумладан, қўшимча профилактика инспекторларини жалб этиш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини жадаллаштириш ҳамда виктимологик йўналтирилган тушунтириш ишларини кучайтириш кўзда тутилади⁵.

⁴ Ваҳобжонов, Д. . (2024). Профилактика инспекторининг криминоген вазиятни ўрганиш ва таҳлил қилиш фаолияти. Журнал академических исследований нового Узбекистана, 1(13), 4–8. извлечено от <https://inlibrary.uz/index.php/yoitj/article/view/59480>

⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2025 йилда республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-1-сон қарор. <https://lex.uz/uz/>.

Ушбу тоифалаш усули жиноятчиликни баҳолашда *дифференциал ва динамик ёндашувни* жорий этишга хизмат қилади. Дифференциал ёндашув маҳаллалардаги криминоген вазиятнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, профилактик тадбирларни индивидуаллаштириш имконини беради. Динамик ёндашув эса вазиятнинг вақт ўтиши билан ўзгариш тенденцияларини таҳлил қилиш орқали жиноятчиликнинг ўсиш ёки пасайиш динамикасини аниқлаш ва бу асосда стратегик қарорлар қабул қилиш имконини яратади.

Шу тариқа, мазкур баҳолаш тизими ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда илмий асосланган, таҳлилга суянган ва натижага йўналтирилган бошқарув моделини жорий этди. Бу эса маҳаллаларнинг криминоген вазиятни назорат қилиш, хавф гуруҳларини аниқлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлашдаги ролини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарди⁶.

Йўриқнома мезонларига асосан маҳаллалардаги криминоген вазият даражасига кўра улар шартли равишда “яшил”, “сарик” ва “қизил” тоифаларга ажратилади. Бу тоифалаш тизими маҳаллалардаги жиноятчилик ҳолатини мониторинг қилиш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини дифференциаллаштирилган, яъни ҳудуднинг криминоген хусусиятларига мос равишда ташкил этиш имконини яратади⁷.

Хусусан, “яшил” тоифага криминоген вазияти барқарор ва жиноятчилик даражаси паст бўлган маҳаллалар киритилади. Бундай ҳудудларда ҳуқуқбузарликлар сони нисбатан кам бўлгани сабабли профилактиканинг асосий йўналиши аҳолининг ҳуқуқий онгини ва маданиятини юксалтириш, ҳуқуқий хабардорликни ошириш ҳамда фуқароларда қонунга итоаткорлик туйғусини мустаҳкамлашга қаратилган бўлади. Шу билан бирга, профилактика фаолиятида жамоатчилик назорати ва ижтимоий ҳамжиҳатликка асосланган усуллар устувор аҳамият касб этади.

“Сарик” тоифага жиноятчилик даражаси ўртача бўлган маҳаллалар киради. Бу тоифадаги ҳудудларда жиноятчиликнинг айрим турлари — оилавий зўравонлик, майда талончилик, ёшлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликлар ёки маиший жанжаллар кўпроқ учрайди. Шу боисдан, профилактик тадбирлар асосан индивидуал ва гуруҳ йўналишида ташкил этилади. Хусусан, профилактик ҳисобдаги шахслар, муаммоли оилалар ва жиноят

⁶ “Маҳаллаларни криминоген вазиятдан келиб чиққан ҳолда тоифалаш ва профилактик тадбирларни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома” – 2021 йил 15 ноябрдаги ИИВ, Бош прокуратура, ДХХ, ДБК, Миллий гвардия ва Олий суднинг қўшма қарори.

⁷ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига маҳаллаларда жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш тизими натижадорлигини янада оширишга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ПҚ-253-сон қарори. <https://lex.uz/docs/7690026>

содир этиш эҳтимоли юқори бўлган фуқаролар билан манзилли ишлар олиб борилади. Маҳалла фуқаролар йиғини раислари, профилактика инспекторлари ва “Аёллар дафтари” ҳамда “Ёшлар дафтари” орқали аниқланган шахслар билан ижтимоий-психологик реабилитация ишлари ташкил этилади. Бу эса маҳалладаги ички ижтимоий муҳитни соғломлаштиришга хизмат қилади.

“Қизил” тоифага эса жиноятчилик даражаси юқори ва криминоген вазият кескин бўлган маҳаллалар киради. Бундай ҳудудларда жиноятчиликнинг динамикаси барқарор эмас, хавф гуруҳлари кенг қамровли бўлади, ижтимоий низолар, рецидив жиноятчилик ва виктимологик хавф омиллари юқори даражада кузатилади. Шу сабабли, бу тоифада профилактика фаолиятини фақат маҳалла даражасида эмас, балки давлат ва жамоат тузилмалари ўртасидаги яқин ҳамкорлик асосида ташкил этиш зарур ҳисобланади. Бунда ички ишлар органлари, прокуратура, маҳалла фаоллари, таълим муассасалари ва нодавлат нотажорат ташкилотларининг иштирокида кенг кўламли назорат тадбирлари, қўшимча ҳуқуқий тарғибот ва ижтимоий-қонуний муҳитни барқарорлаштиришга қаратилган комплекс чоралар амалга оширилади.

Охирги беш йил давомида криминоген вазияти *мураккаб бўлган «қизил»* тоифага киритилган маҳаллаларда алоҳида ташкилий-профилактик тадбирларни ўтказиш орқали хавфсиз муҳитни яратиш, маҳаллаларни сунъий интеллектда ишловчи махсус дастурий таъминотга интеграция қилинган замонавий кузатув камералари билан тўлиқ қамраб олиш, жисмоний шахслар мол-мулкини техник қўриқлаш қамровини 30 фоизга, юридик шахслар мол-мулкини қўриқлаш қамровини эса 60 фоизга етказиш, маҳаллаларда манзилли тадбирларнинг натижадорлигини таъминлашда маҳаллий ҳокимликлар, давлат органлари ва ташкилотлар, таълим ва илмий муассасалар раҳбарларининг шахсий масъулиятини ошириш⁸.

Бундай тоифалаш амалиёти нафақат ҳуқуқбузарликлар профилактикасини самарали йўлга қўйишга, балки ҳар бир ҳудуддаги жиноятчилик ҳолатини тизимли таҳлил қилишга, профилактика ресурсларини оқилона тақсимлашга ва фаолиятнинг натижадорлигини баҳолаш учун аниқ мезонлар белгилашга хизмат қилади. Шу билан бирга, мазкур усул жиноятчиликнинг профилактикасини амалга оширишда илмий асосланган **дифференциал бошқарув моделини** яратишга ҳам ҳуқуқий ва амалий замин яратади.

⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига маҳаллаларда жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш тизими натижадорлигини янада оширишга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ПҚ-253-сон қарори. <https://lex.uz/docs/7690026>

Замонавий механизмлар талабларга мувофиқ, маҳаллалардаги криминоген вазият ҳолати доимий мониторинг асосида баҳоланиб борилади ва ҳар чорак якунида тоифалар янгиланади. Бу жараёнда маҳаллаларнинг жиноятчилик даражаси, ҳуқуқбузарликлар динамикаси, ижтимоий-иқтисодий муҳитдаги ўзгаришлар ҳамда аҳолининг ҳуқуқий фаоллиги каби кўрсаткичлар ҳисобга олинади. Шу асосда маҳаллалар белгиланган тоифаларга (яшил, сариқ, қизил) қайта тақсимланади ва ҳар бир тоифа бўйича масъул давлат идоралари, хусусан, ички ишлар органлари, маҳалла ва оила масалалари бўйича тузилмалар, ёшлар ва хотин-қизлар ташкилотларига аниқ вазифалар юкланади.

Мазкур тизимнинг аҳамиятли жиҳати шундаки, у фақат жиноятлар сонини статистик жиҳатдан қайд этиш билан чекланиб қолмайди, балки жиноятчилик хавфини келтириб чиқарувчи ижтимоий манбаларни яъни ишсизлик, оилавий низолар, ижтимоий тенгсизлик, ҳуқуқий маданият пастлиги ва бошқа виқтимоген омилларни ҳам аниқлаш ҳамда бартараф этишга йўналтирилган. Бу ҳолат виқтимологик ёндашувнинг амалдаги ифодаси бўлиб, жиноятчиликнинг фақат натижасини эмас, унинг сабаб ва шароитларини аниқлаш ҳамда бартараф этишни назарда тутди.

Виқтимологик нуқтаи назардан, мазкур тизим ҳар бир ҳудудда эҳтимолий жабрланувчилар қатламини аниқлаш ва улар билан индивидуал ишлаш имконини яратади. Масалан, “сариқ” ва “қизил” тоифадаги маҳаллаларда фуқароларнинг муайян қисми жиноят қурбонига айланиш хавфи юқори бўлиши мумкин. Шу сабабли, бу ҳудудларда фуқаролар билан ишлашда манзилли профилактика чоралари ҳуқуқий маслаҳатлар, психологик кўмак, иш билан таъминлаш, оилавий маслаҳат хизматларини кучайтириш ва ижтимоий реабилитация тизимини йўлга қўйиш муҳим аҳамият касб этади.

Таъкидлаш жоизки, мазкур тартиб мазмун-моҳиятига кўра, фақат жиноятчиликнинг олдини олишга эмас, балки унинг виқтимоген асосларини жабрланувчиликка олиб келувчи ижтимоий ва шахсий омилларни камайтиришга ҳам хизмат қилади. Зеро, виқтимологик профилактика тизими ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг ажралмас қисми бўлиб, у фақат ҳуқуқбузар шахсга таъсир кўрсатишни эмас, балки эҳтимолий жабрланувчини муҳофаза қилиш, унинг виқтимлик даражасини пасайтириш ва ижтимоий адаптациясини таъминлашни ҳам ўз ичига олади.

Шу нуқтаи назардан, маҳаллаларни тоифалаш тизими аҳолининг ижтимоий хавфсизлигини таъминлаш, жабрланувчилик хавфини камайтириш ҳамда жиноятчиликнинг илдиз сабабларини бартараф этишда муҳим ижтимоий институт сифатида намоён бўлмоқда. У нафақат

хуқуқбузарликлар профилактикасининг амалий самарадорлигини таъминлайди, балки давлат бошқарувида хавфга асосланган ва инсон марказли ёндашувни амалда татбиқ этишнинг илмий-назарий моделини шакллантиради.

Шу билан бирга, янгича механизм амалиёти доирасида маҳалла фаоллари, профилактика инспекторлари, ёшлар етакчилари ва хотин-қизлар фаоллари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик ва ҳамжихатлик механизмларини мустақамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу жараён, аввало, маҳалла институтини жамиятдаги ижтимоий назорат тизимининг муҳим бўғини сифатида қайта шакллантиришга хизмат қилмоқда. Амалиётда маҳалла фаолларининг профилактика инспекторлари билан ҳамкорликда хавф гуруҳларига кирувчи оилалар, ногиронлиги бўлган шахслар, ишсизлар, ёлғиз кексалар ва ижтимоий хавфи юқори қатламлар билан мунтазам иш олиб бориши таъминланмоқда. Бу эса хуқуқбузарликларнинг олдини олишда “жамоатчилик асосидаги профилактика” тизимини самарали амалга ошириш имконини бермоқда.

Қонунчилик нуқтаи назаридан олиб қаралганда, мазкур фаолият “Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 9-моддасида белгиланган “жамоатчилик асосида хуқуқбузарликларнинг олдини олиш” принципига тўлиқ мос келади. Ушбу норма жамиятнинг кенг қатламларини, хусусан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат тузилмаларни хуқуқбузарликларнинг олдини олиш жараёнига жалб этишни назарда тутди. Бундай ёндашувнинг муҳим жиҳати шундаки, у давлат ва жамоат институтларининг профилактика соҳасидаги саъй-ҳаракатларини бирлаштириш орқали хуқуқий тартиботни таъминлаш ва виқтимоген ҳолатларни эрта аниқлаш имконини яратади.

Шу билан бирга, 2013 йилда “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Қонуннинг янги таҳрири қабул қилиниши (аввалги таҳрири 2013 йилда қабул қилинган бўлиб) маҳаллалар фаолиятининг хуқуқий асосларини янада аниқ ва тизимли тарзда белгилаб берди⁹. Хусусан, мазкур қонуннинг янги нормалари маҳалла фаолларига аҳоли ўртасида ижтимоий хавфсизликни таъминлаш, жинойтчиликка қарши профилактик тадбирларни амалга ошириш, ёшлар ва хотин-қизлар ўртасида тарбиявий ишларни ташкил этиш вазифаларини юқлайди. Жорий этилган тизим эса

⁹ Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 22 апрелдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида Қонуни. <https://lex.uz/mact/2156899>.

айнан шу ҳуқуқий нормаларни амалиётга татбиқ этишнинг институционал механизмларидан бири сифатида намоён бўлмоқда¹⁰.

Натижада, маҳаллалар фаолияти нафақат жиноятчилик даражасини пасайтиришга, балки виктимологик жиҳатдан аҳолининг ҳимояланиш қобилиятини оширишга ҳам йўналтирилади. Бу орқали маҳаллаларда эҳтимолий жабрланувчилар қатламини эрта аниқлаш, уларга психологик, ҳуқуқий ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш имконияти яратилади. Демак, йўриқнома ва унинг асосидаги ҳамкорлик механизми нафақат ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, балки жамиятдаги виктимоген муҳитни бартараф этишга ҳам қаратилган тизимли чора-тадбирлар мажмуасини ифода этади.

Ўрганилган “Маҳаллаларни криминоген вазиятдан келиб чиққан ҳолда тоифалаш ва профилактик тадбирларни ташкил этиш тўғрисида”ги йўриқнома мамлакатимизда ҳуқуқбузарликлар виктимологик профилактикасини амалга оширишда замонавий ва илмий-назарий асосларга тўлиқ мос келиши аниқланди. Йўриқнома маҳаллаларнинг жиноятчилик хавфини баҳолаш ва уларни “яшил”, “сарик”, “қизил” тоифаларга ажратиш орқали профилактик чора-тадбирларнинг манзиллилигини таъминлайди. Бу тизим аҳоли хавфсизлигини таъминлаш, ижтимоий хавфни камайтириш ва эҳтимолий жабрланувчиларни ҳимоя қилишда самарали механизмлар яратади.

Шунингдек, маҳалла фаоллари, профилактика инспекторлари ва ижтимоий тармоқлар фаоллари ўртасида ҳамкорликни мустаҳкамлайди ва қонунчиликда белгиланган “жамоатчилик асосида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш” принципини амалга оширишда асосий инструмент вазифасини бажаради. Унинг амалиётдаги самараси, ижтимоий хавфсизликни таъминлаш ва виктимоген ҳолатларни бартараф этишга қаратилган инновацион усулларда намоён бўлади.

Шу билан бирга қонунчиликдаги асосий нормалар “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонун ва “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Қонунда белгиланган ҳуқуқий мажбуриятларни амалга оширишни ҳам қафолатлайди. Бу эса маҳалла тизимида виктимологик профилактик тадбирларнинг узлуксиз ва комплекс характерда амалга оширилишини таъминлайди.

Юқоридаги тадқиқотлар ва таҳлилларга асосланиб қуйидагилар тақлиф этилади:

¹⁰ Бобур, М., Ўғли, А., & Рўзиев, Ж. С. Ў. (2025). Профилактика инспекторининг профилактик ҳисобга олинган шахслар билан ишлашда яқка тартибдаги профилактика чора-тадбирларини такомиллаштириш. *Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies*, 2(3), 10-16

худудларни тоифалаш моделини такомиллаштириш яъни, бунда маҳаллаларнинг криминоген ҳолатини баҳолаш мезонларига ижтимоий-иқтисодий ва демографик кўрсаткичларни ҳам қўшиш орқали “яшил”, “сарик”, “қизил” ва криминоген вазияти мураккаб “қизил” маҳалла тоифаларининг аниқлиги ва прогнозлаш қобилиятини ошириш;

маълумотларни автоматлаштириш яъни жиноятчилик ва ижтимоий хавф кўрсаткичларини тўплаш ҳамда таҳлил қилиш жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўллаш;

виктимологик кўрсаткичларни ҳисобга олиш, яъни профилактик тадбирларни режалаштиришда фақат жиноят сони эмас, балки эҳтимолий жабрланувчиларнинг ижтимоий характеристикаларини ҳам ҳисобга олиш;

жамоатчилик билан ҳамкорликни кенгайтириш орқали маҳалла фаоллари, ёшлар ва хотин-қизлар фаоллари ҳамда нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорликда профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича замонавий методикаларни жорий этиш;

хорижий тажрибани ўрганиш орқали хорижий давлатларда маҳалла ёки жамоат асосидаги профилактик механизмларнинг самарали моделларини ўрганиш ва уларни миллий шароитга мослаштириш;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, маҳаллалар ва ижтимоий ташкилотлар ҳамкорлигида маҳаллаларни тоифалаш моделини мунтазам янгилаб бориш;

маҳалла фаоллари ва профилактика инспекторлари учун махсус тайёргарлик курсларини ташкил этиш ва уларнинг ижтимоий ва психологик компетенцияларини ривожлантириш;

худудлардаги профилактик тадбирларнинг самарадорлигини баҳолашда ижтимоий сўровлар ва статистик маълумотларни қўллаш;

виктимологик профилактикада аҳоли иштирокини ошириш мақсадида аҳолига ҳуқуқий маълумот бериш ва хабардорликни таъминлаш чора-тадбирларини кучайтириш;

давлат органлари ва маҳалла тизими ҳамкорлигини назарда тутган ҳолда тизимли мониторинг ва баҳолаш механизмларини ривожлантириш.